

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/05.06.2020.B.91.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАХМАНОВА УГИЛАЙ КОХХОРОВНА

**ФИЗИОЛОГИК ФАОЛ БИРИКМАЛАРНИНГ НОДИР ВА
ОҒИР МЕТАЛЛАРНИ АНИҚЛАШ ҲАМДА АЖРАТИБ
ОЛИШДАГИ БИОСОРЪЦИОН ХОССАЛАРИ**

02.00.10 –Биоорганик кимё

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ

АВТОРЕФЕРАТИ

Гулистон-2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Абдурахманова Угилай Коххоровна

Физиологик фаол бирикмаларнинг нодир ва оғир металлларни аниқлаш ҳамда ажратиб олишдаги биосорбцион хоссалари 4

Абдурахманова Угилай Коххоровна

Биосорбционные свойства физиологически активных соединений при обнаружении и разделении благородных и тяжелых металлов 29

Abdurakhmanova Ugilay Kohhorovna

Bisorption properties of physiologically active compounds in the determination and isolation of precious and heavy metals 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 58

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/05.06.2020.B.91.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАХМАНОВА УГИЛАЙ КОХХОРОВНА

**ФИЗИОЛОГИК ФАОЛ БИРИКМАЛАРНИНГ НОДИР ВА
ОҒИР МЕТАЛЛАРНИ АНИҚЛАШ ҲАМДА АЖРАТИБ
ОЛИШДАГИ БИОСОРЪЦИОН ХОССАЛАРИ**

02.00.10 –Биоорганик кимё

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ

АВТОРЕФЕРАТИ

Гулистон-2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.DSc/B139. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гулистон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.biochem.uz) ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Кўшиса Ҳабибжон Ҳожибобоевич биология фанлари доктори, профессор
Расмий ошпонентлар:	Сайитмуратова Огульжан Худайбергеновна биология фанлари доктори, профессор Давронов Қахрамон Давронович биология фанлари доктори, профессор Сманова Зулайхо Асаналиевна кимё фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Андижон давлат университети

Диссертация химояси Гулистон давлат университети ҳузуридаги DSc.03/05.06.2020.В.91.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «16» 07 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 120100, Гулистон шаҳри, 4 кичик туман. Тел.: (67) 225-24-90, факс: (99867) 225-40-42).

Диссертация билан Гулистон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 120100, Гулистон шаҳри, 4 кичик туман. Тел.: (67) 225-24-90, факс: (99867) 225-40-42, e-mail guldu@edu.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «3» 07 да тарқатилди.
(2021 йил «3» 07 даги 4 рақамли реестр баённомаси).



З.Тиллабас
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, уринбосари, б.ф.д., профессор
З.У.Абдуқуллов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.н., доцент
Н.Р.Ҳошимова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қоғидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда табиий манба ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини оғир металллардан тозалаш ҳамда нодир металлларни ажратиб олишда юқори, самарадор сорбентларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Шунга кўра сорбент сифатида табиий органик, ноорганик, айниқса, табиий ресурслардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Оқава сувлардан оғир металл ионлари ва бошқа заҳарли компонентларни ажратиш ҳамда тозалашда экологик жиҳатдан хавфсиз, таннархининг пастлиги, фойдаланишдаги қулайлиги ва кўп марталик регенерация қилиш имкониятининг мавжудлиги туфайли табиий биосорбцион хусусиятга эга бўлган материалларга қизиқиш ортиб бормоқда. Шунинг учун бундай сорбентларни яратишнинг янги усули ва технологияларини ишлаб чиқиш, улар ёрдамида саноат чиқиндилари, табиий муҳит, ичимлик ва оқава сувларни оғир металллардан тозалаш ҳамда нодир металлларни ажратиб олиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳоннинг кўпгина тадқиқот марказларида атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга йўналтирилган таркиб ва тегишли тузилмага эга бўлган сорбцион-ион алмашувчи материалларни яратиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада табиий манбалар, ишлаб чиқариш қолдиқлари, оқавалар, чиқиндлар таркибида оғир ва нодир металлларни аниқлаш ва ажратиб олишда табиий физиологик фаол моддалар асосли экологик хавфсиз биосорбентлар яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда бугунги кунда маҳаллий ресурслардан оқилона фойдаланиб, турли сорбцион-ион алмашувчи материалларни қўллаш билан атроф-муҳитни тозалаш, саноатга жалб қилувчи рационал технологияларини ишлаб чиқиш борасида амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада биосорбцион хусусиятга эга бўлган физиологик фаол моддалар ва микроорганизмлар массаларидан кичик миқдорга эга бўлган оғир ва ноёб металлларни аниқлаш ҳамда ажратиб олишда аҳамиятли бўлган сорбентлар яратиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги Фармони ва 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

“Ўзбекистон кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 26 ноябрдаги ПҚ-4030-сон “Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Оқова сувларни тозалаш учун минерал ва иккиламчи органик ресурслар асосида сорбцион-ион алмашувчи материаллар яратишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ҳамда олий таълим муассасаларида, жумладан: Cairo University (Миср), Department of Chemical Engineering, McGill University (Канада), Chemical Engineering, Pukyong National University (Корея), Department of Chemical Engineering, Institute of New York (АҚШ), Luxenburg Institute of Science and Technology (Германия), Mexico of Science Attapulcus (Мексика), Chemical Society of Japan (Япония), University of Science and Technology (Хитой), Department of Chemistry (Ҳиндистон), National Nanotechnology Center (Таиланд), Қозон технология университети (Россия), Department of Chemical Engineering (Иордания), Россия Фанлар академияси умумий ва ноорганик кимё институти, М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети (Россия) ҳамда Умумий ва ноорганик кимё институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Экологик муаммоларни ҳал қилиш мақсадида экотоксикантларни биосорбцион концентрлашни аниқлашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: микроорганизмлар ёрдамида токсикантлар ажратиб олинган (Department of Chemical Engineering, Institute of New York (АҚШ), Cairo University (Миср), Luxembourg Institute of Science and Technology (Германия) ва McGill University Montreal (Канада)); пиво тайёрлашдаги қолдиқ ачитки - микроорганизмлар ёрдамида оғир металл ионларини сорбциялаш қобилияти аниқланган (Mexico of Science Attapulcus (Мексика), Pukyong National University (Корея), Institute of Landscape Ecology (Чехия)); тирик микроорганизмларнинг биосорбциялаш самарадорлиги аниқланган (Chemical Society of Japan (Япония), University of Science and Technology (Хитой),

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи
<https://biosorption.mcgill.ca/publication/PDFs/101-BP%2795-11.235-50-RevHolan.pdf>,
https://www.researchgate.net/publication/266795209_Biosorption_of_Heavy_Metals_A_Review,
<https://www.cheric.org/PDF/KJChE/KC19/KC19-2-0277.pdf>, www.km.ru, www.fundamental-research.ru,
www.works.doklad.ru, www.dissercat.com, www.api.org ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

National Nanotechnology Center (Таиланд), Қозон технология университети (Россия)); экотоксикантларга толерант бўлган микроорганизмларнинг мутант турлари аниқланган (М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети (Россия), Харьков техника университети (Украина)); ачиткилар хужайраларидан олинган сорбентларни биосорбцион хусусиятлари аниқланган (Department of Chemistry (Ҳиндистон)); ачиткиларнинг тирик ва ўлик хужайраларидан биосорбцион материаллар биосорбентларнинг сорбцион сифими бўйича кўпгина табиий ва синтетик сорбцион материаллардан устунлиги исботланган (Faculty of Engineering, Department of Chemical Engineering (Туркия); Chemical and Biomedical Engineering University (Ҳиндистон); Chinese Research Academy of Environmental Sciences (Хитой)); пиво ишлаб чиқариш жараёнларининг чиқиндилари асосида оғир металллар, токсинлар ва радионуклидлар ажратиб олинган (Самарқанд давлат университети (Ўзбекистон)).

Дунёда ишлаб чиқариш оқавалари, чиқиндилар ва табиий муҳитда оғир ва нодир металлларни аниқлаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: биологик объектларда металллар нисбатини биоэлементология усуллари ёрдамида асослаш, ишлаб чиқариш маҳсулотлари ҳамда чиқитлари таркибидаги элементлар ва улар нисбатини атом-эмиссион спектроскопия усуллари ёрдамида аниқлаш, ишлаб чиқариш чиқитлари ва оқавалари таркибидаги ноёб ва оғир металлларни аниқлаш ва ажратишда самарали биосорбентлар яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Технологик объектлар, табиий сув манбалари ва ишлаб чиқариш корхоналари чиқитлари таркибидан оғир металллар, радионуклидлар ва токсинларни микроорганизмлар ёрдамида ажратиш бўйича натижаларга эришилган.

Salman H. Abbas ва бошқалар (Миср кимё муҳандислиги университети), Min-Gyu Lee, Jun-Heok Lim ва Sang-Kyu Kam (Корея Миллий университети), Sri Lakshmi Ramya, Vinay Kumar and Sudhamani Muddada (Ҳиндистон) микроорганизмларнинг биосорбцион хоссаларидан фойдаланган ҳолда оғир ва ноёб металлларни ажратиш олиш бошқа технологик жараёнларга нисбатан экологик хавфсиз ва арзон эканлигини кўрсатишган. Zdravka Velkjoва, Gergana Kirova (Болгария Тиббиёт университети), Margarita Stoycheva (Муҳандислик университети, Мексика), Sonia Kostadinova, Kostadinka Todorova, Velizar Gochev (Болгария) биосорбентлар ёрдамида радионуклидларни ажратиш олиш асосида экологияни зарарсизлантиришни тадқиқотларида кўрсатишган.

МДҲ давлатларининг олимлари Г.И. Каравайко, А.Д. Буракаева, И.С. Жубанова, Р.А. Гаранин, М.В. Шулаев, О.В. Браварова тадқиқотларида турли таксономик гуруҳга кирувчи тирик микроорганизмлар ёрдамида биосорбциянинг самарадорлигини аниқлашга, заҳарли моддаларнинг катта

миқдорига толерант бўлган мутант штаммларни топишга қаратилган. Ю.А.Золотов, Н.М. Кузьмин, Н.Л. Москвин, Л.Г. Царицина, В.М. Иванов, Г.И. Цизин, Е.И. Моросанова, З. Темердашевлар тадқиқотларида каттик матрицаларга эга бўлган биосорбентлардан аналитик мақсадларда экотоксикантларни сорбцион концентрланиш асосларини яратган.

Шунингдек, Ўзбекистонда Б.Д.Кабулов газ ва суюқлик хроматографияси учун модификацияланган целлюлоза тутган сорбентлар олиш, З.А. Сманова табиий муҳит объектларида оғир металлларни органик реагентларни иммобилланган полимер ташувчилар ёрдамида таҳлил қилишнинг спектроскопик аниқлаш усулини яратган, академик С.Ш.Рашидова раҳбарлигида хитозан асосида биологик фаол моддалар ишлаб чиқилган, Х.Т.Шарипов томонидан нодир ва уларга йўлдош металлларни биосорбентлар ёрдамида сорбцион концентрлаш технологияси ишлаб чиқилган. Д.М.Аронбоев томонидан олиб борилган тадқиқот натижаларида пиво тайёрлашда ишлатиладиган ортиқча *Saccharomyces cerevisiae* ачитқисидан экотоксикантларни аниқлаш ва ажратиб олиш кўрсатиб ўтилган.

Юқорида қайт этилган тадқиқот натижалари манбалардан оғир ва нодир металлларни аниқлаш ҳамда уларни ажратиб олишда физиологик фаол моддалар ва микроорганизмларнинг хоссаларини чуқурроқ ўрганишни тақозо этади. Бу йўналишда олиб борилаган тадқиқот натижаларидан эса ишлаб чиқариш корхоналари чиқитлари, оқава сувлар, табиий объектлардан оғир ва нодир металлларни ажратиб олиш имкониятини аниқлаш йўналишида тадқиқотларни амалга ошириш долзарб, илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Гулистон давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Табиий манбаларда оғир ва ноёб металлларнинг таъсир хусусиятларини ўрганиш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Табиий ва синтетик физиологик фаол бирикмалар ҳамда микроорганизмлар биомассасидан кичик миқдорга эга бўлган оғир ва нодир металлларни аниқлаш ва экстракциялашда аҳамиятли бўлган биосорбентлар яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

биосорбцион хоссаларга эга бўлган табиий физиологик фаол бирикмаларни аниқлаш ва уларнинг физик-кимёвий ҳамда сорбцион-аналитик хоссаларини таҳлил қилиш;

оғир металллар ионларининг селектив биосорбцияланиши жараёнида физиологик фаол бирикмаларнинг таъсирлашиш механизми ва муҳим функционал гуруҳларини аниқлаш;

госсиполнинг сорбцион хоссаларга эга бўлган комплексларини олиш ва биологик объект ҳамда ишлаб чиқариш чиқитлари таркибидаги металлларни аниқлаш ва экстракциялаш хоссаларини аниқлаш;

глицирризин кислотасининг сорбцион хоссаларга эга бўлган комплексларини олиш ва биологик объект ҳамда ишлаб чиқариш чиқитлари таркибидаги металларни сорбциялаш хоссаларини аниқлаш;

Spirulina subsalsa микросувўти ва *Saccharomyces cerevisiae* ачитқиси биомассаси асосида биосорбентлар олиш, уларнинг биологик объект ҳамда ишлаб чиқариш чиқитлари таркибидаги металларни сорбциялаш хоссаларини аниқлаш;

госсипол, глицирризин кислотаси, *Spirulina subsalsa* микросувўти ва *Saccharomyces cerevisiae* ачитқиси биомассаси асосида олинган биосорбентларнинг металл ионларини аниқлаш ва биосорбцион концентрлашнинг аналитик имкониятларини баҳолаш;

оғир ва ноёб металларни табиий манбалардан экстракциялашда фосфорорганик бирикмалар имкониятларини таҳлил қилиш ва табиий биосорбентлар билан солиштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида госсипол ва унинг ҳосилалари, глицирризин кислотасининг комплекслари, *Spirulina subsalsa* микросувўти ва *Saccharomyces cerevisiae* ачитқиси, фосфорорганик бирикмалар ҳамда металл қолдиқлари манбаси бўлган олмалиқ саноат ишлаб чиқариш чиқитлари ва сизот сувлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети табиий (госсипол ва глицирризини кислотаси) физиолок фаол бирикмалар ва уларнинг ҳосилалари, фосфорорганик бирикмалар, микроорганизмларнинг биомассалари асосида оғир ва нодир металларни аниқлаш ва ажратишда аҳамиятли бўлган биосорбентлар яратиш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда физик-кимёвий таҳлил усулларида: потенциометрик титрлаш, термогравиметрия, полярография усуллари, спектрофотометрия, аргон плазмали атом-эмиссион спектроскопия, элемент таҳлили, ИҚ-спектроскопия, ЯМР-спектроскопия, каби таҳлил усуллари қўлланилган. Биосорбентлар тайёрлашда экстракциялаш, хроматография усулларида фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор госсипол молекуласи таркибида функционал фаол гуруҳлар мавжудлиги инobatга олингани ҳолда, госсипол сирка кислотанинг марганец(II), темир (II, III), кобальт, никель, мис (II) ва кумуш ионларига нисбатан сорбцияловчи хоссалари сорбцион-фотометрик усуллар асосида исботланган;

илк бор спектрофотометрик ва атом-эмиссион спектроскопик анализ усулида глицирризин кислота ҳосилаларининг оғир ва нодир металл ионларига нисбатан сорбцион хоссалари аниқланган;

маҳаллий хомашё асосида синтез қилинган физиологик фаол бирикмалар (госсипол ва глицирризин кислота ҳосилалари) ёрдамида оғир ва нодир металл ионларини табиий сув ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари

чиқиндилари таркибидан аниқлаш ва уларни ажратиб олишнинг экологик хавфсиз усули ишлаб чиқилган;

глицирризин кислотаси ҳосилаларининг марганец, темир, кобальт, никель, мис металл ионлари билан сувда эрувчан тузлар ҳосил қилиши, унинг агликон қисми тузилиши билан боғлиқ эканлиги исботланган;

Spirulina subsalsa микросувўти ва *Saccharomyces cerevisiae* ачитқиси биомассаларидан металлларни аниқлаш ва ажратишда специфик биосорбентлар яратилган ҳамда уларни рух ва никель металлари ионларини юқори фаолликда сорбциялаши исботланган.

Spirulina subsalsa микросувўти ва *Saccharomyces cerevisiae* ачитқиси биомассасининг (5 г/дм³дан 10 г/дм³ гача) рН муҳитга боғлиқ равишда ортиши ва металлларнинг сорбцияланиш самарадорлигини ошириши аниқланган;

Au (III) иони HCl ва H₂SO₄ эритмаларининг юқори, Ag (I) иони эса кислоталарнинг паст концентрациясида максимал ажралишига кўра фосфорорганик бирикмаларнинг ушбу нодир металлларни сорбциялаш самарадорлиги 98,41-99,40% ни ташкил этиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хомашё асосида синтез қилинган физиологик фаол бирикмалар (госсипол ва глицирризин кислота ҳосилалари) ёрдамида оғир ҳамда нодир металлларни аниқлаш ва ажратиб олишга асосланган экспресс, селектив ва сезгир сорбцион-спектрофотометрик усулларнинг юқори самарадор кўрсаткичлари аниқланган.

табиий ва синтетик физиологик фаол бирикмалар ёрдамида табиий ва оқова сувлар, ишлаб чиқариш чиқиндилари таркибида оғир ва нодир металл ионларини аниқлаш ва ажратиб олиш усуллари ишлаб чиқилган;

Spirulina subsalsa микросувўти ва *Saccharomyces cerevisiae* ачитқиси биомассасининг рух ва никель металлари ионларини сорбциялаш хусусиятига кўра, юқори фаолликка эга бўлган специфик биосорбент яратилган;

диалкилтиофосфат кислотасининг калийли тузлари ҳамда изобутил ва гексил радикалли бирикмалари ёрдамида Ag ва Au (III) ионларини субстратлардан экстракция қилишнинг 99,70%гча бўлган самарадорлик кўрсаткичлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда келтирилган маълумотларнинг ишончлилигига мутахассисларнинг баҳолари, шунингдек, уларнинг маҳаллий ва халқаро конференцияларда муҳокама қилиниши ҳамда натижаларни тақриздан ўтадиган илмий нашрларда эълон қилиниши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, биосорбентларни синтез қилиш учун яроқли бўлган бошланғич хомашёларнинг кимёвий таркиби, физик-кимёвий ва адсорбцион хоссаларига корреляцион боғлиқлигининг аниқланганлиги ҳамда биосорбентлар ассортиментини кенгайтириш ва

сорбцион кўрсаткичлари даражасини оширишга имкон яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса табиий, оқова ва сизот сувлари, саноат чиқиндилари таркибини оғир металллардан тозалаш ҳамда табиий манбалар таркибидаги металлларни ажратиб олишда *Spirulina subsalsa* микросувўти ва *Saccharomyces cerevisiae* ачитқи биомассаси асосида экологик хавфсиз ва юқори иқтисодий самарадорликка эга бўлган усул ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Физиологик фаол бирикмаларнинг нодир ва оғир металлларни аниқлаш ҳамда ажратиб олишдаги биосорбцион хоссаларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

табиий физиологик фаол моддалар (госсипол ва глицирризин кислотаси ҳосилалари) ва микроорганизмлар (*Spirulina subsalsa* микросувўти ва *Saccharomyces cerevisiae* ачитқиси) биомассалари асосида яратилган экологик хавфсиз, селектив ва қайта тикланувчан биосорбентлар “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ корхонасида чиқинди ва оқавалар таркибида оғир металл ионларини аниқлаш ҳамда ажратиб олишда амалиётга жорий қилинган (Олмалик кон-металлургия комбинатининг 2021 йил 28 майдаги АА-004602-сон маълумотномаси). Натижада, корхона чиқиндиси ва оқавалари таркибида кобальт, никель, темир (II, III), марганец (II), кумуш ионларининг миқдорий кўрсаткичларини аниқлаш ва ажратиб олишда самарадорликка эришиш имконини берган;

табиий биосорбентлар (госсипол ва глицирризин кислотаси ҳосилалари, *Spirulina subsalsa* микросувўти ва *Saccharomyces cerevisiae* ачитқиси биомассалари ёрдамида оғир металл ионларини аниқлаш ҳамда ажратиб олишнинг яратилган экологик хавфсиз усули Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг атроф-муҳитни ифлосланишини мониторинг қилиш бўлими томонидан табиий сув ҳавзалари ва оқавалари таркибидаги оғир металл ионларини аниқлаш ва ажратиб олиш амалиётига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Қўмитасининг 2021 йил 26 майдаги 02/18-1211-сон маълумотномаси). Натижада, экологик объектлардан кобальт, никель, темир (II, III), марганец (II), кумуш каби оғир металл ионларини тезкор аниқлаш ва экологик хавфсиз ажратиб олиш имконини берган;

табиий физиологик фаол моддалар (госсипол ва глицирризин кислотаси ҳосилалари) асосида яратилган биосорбентлар “PENG-SHENG” Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқиладиган маҳсулотлар таркибидаги оғир ва заҳарли металллар миқдорини аниқлаш ҳамда корхона оқова сувлари таркибини мониторинг қилишда амалиётга жорий қилинган (“PENG-SHENG” Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасининг 2021 йил 26 апрелдаги 133-сон маълумотномаси). Натижада, технологик

жараёнларни оптималлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш оқавалари таркибидиги оғир металл ионлари миқдорини аниқлаш ва тозалашда самарали натижаларга эришиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 14 та маҳаллий илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертациянинг асосий натижалари 38 та илмий иш: 1 та монография, 15 та мақола Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан тавсия этилган илмий нашрлар, жумладан, 11 та республика ва 4 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, 5 та боб ва хулоса, ишлаб чиқаришга тавсиялар, фойдаланилган адабиёт манбалари, иловалардан иборат. Диссертация асосий босма матни 130 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари тавсифи келтирилган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши тўғрисидаги маълумотлар, нашр қилинган ишлар сони ва диссертациянинг таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **«Оғир ва нодир металлларни аниқлашда органик реагентларнинг биосорбентлар сифатида қўлланилиши»** деб номланган биринчи боби оғир металлларнинг ультрамикро миқдорларини аниқлаш имконини берадиган физикавий ва физик-кимёвий тадқиқот усуллари билан боғлиқ адабиёт маълумотларининг таҳлили баён қилиниб, биосорбентларнинг биосорбцион хусусиятларга эга бўлган органик реагентлар ёрдамида оғир ва ноёб металлларни, экотоксикантларни сифат ва миқдорий анализ қилишда, концентрлаш ва ажратишда қўлланилиши бўйича тадқиқот натижалари баён қилинган.

Биосорбент сифатида сув ўтлари биомассасидан фойдаланиш бўйича адабиёт маълумотларининг таҳлили баён этилган. 25-200 мг/л концентрация оралиғида *Chlorella vulgaris* яшил сув ўтлари қуруқ биомассаси ёрдамида кўрғошин ионларини экстракцияси амалга оширилган. Сув ўти ва бактериялар кўрғошин ва кадмий каби оғир металлларни атроф-муҳитдаги ушбу металлларнинг концентрациясига нисбатан мос равишда $1,7 \cdot 10^5$ ва $1 \cdot 10^5$ марта кўп адсорбиллаш хусусиятига эга эканлиги бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **«Оғир ва рангли металлларни аниқлаш ва ажратишдаги табиий бирикмалардан биосорбцион реагент сифатида фойдаланиш»** деб номланган иккинчи бобида баъзи оғир ва рангли металллар анализидида госсипол ҳосилаларининг қўлланилиши билан боғлиқ тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили баён қилинган.

Госсипол ва унинг ҳосилалари рангли ва оғир металл ионлари билан маълум шароитларда алоҳида рангга эга бўлган рангли комплекс бирикмалар ҳосил қилади. Госсиполнинг бу хоссаси аналитик кимёда металл ионларини сифат ва миқдорий аниқлашда фойдаланиш имконини беради. Госсипол молекуласида олти гидроксил гуруҳи бўлиб, шулардан иккитаси альдегид гуруҳига нисбатан орто-ҳолатда жойлашганлиги учун кучли кислота хоссасини намоён қилади.

Металлар билан таъсирлашиш асосан, молекуланинг 1,1'-ҳолатдаги углерод атомларига боғланган гидроксил гуруҳлари ва 8,8'-ҳолатларда жойлашган альдегид гуруҳларидаги умумлашмаган электрон жуфтлари ҳисобига амалга ошади. Ушбу гуруҳлари ҳисобига госсипол ва унинг ҳосилалари сувда эрувчан, лекин шу билан бирга ёғлар ҳамда органик эритувчиларда эримайдиган госсиполатлар деб аталувчи бирикмалар ҳосил қилади. Оғир металл ионлари билан аналитик тавсифларини ўрганиш мақсадида ГСК қайта синтез қилинди ва унинг юқори самарали суюқлик хроматограммаси ва ИҚ-спектрлари олинди (1- ва 2-расмларга қаранг).



1-расм. Госсипол сирка кислотасининг ИҚ спектри.




2-расм. Госсипол сирка кислота (ГСК) юқори самарали суюқлик хроматограммаси.

Госсипол ва унинг ҳосилалари молекулалари таркибида ФФГ мавжудлигини инобатга олинган ҳолда, госсипол ҳосилаларидан ГСКнинг марганец (II), темир (II, III), кобальт, никель, мис (II) ва кумуш ионларига нисбатан аналитик тавсифлари сорбцион-спектрофотометрик усулларда тадқиқ қилинди. Табиий бирикмаларнинг биосорбцион хоссаларини ўрганишда металл ионларининг комплекс ҳосил қилиши учун ФФБ ҳисобланган ГСКдан фойдаланилди. Дастлаб, металл ионларини ГСК билан спектрофотометрик аниқлашнинг оптимал шароити танланди.


Оптимал шароит танлашда ГСКнинг марганец (II), темир (II, III), кобальт, никель, мис (II) ва кумуш ионлари билан ҳосил қилган комплекс бирикмалари учун, аналитик (фотометрик) реакциянинг танловчанлиги ва нур ютилиши учун энг қулай шароитлари (эритма муҳити, реагентлар қуйиш тартиби, аналитик шакл эритмасини чайқатиш вақти) танланди. Бунинг учун

дастлаб, металл ионларининг реагент билан комплексининг энг юкори нур ютиш соҳаси аниқланди (3-5-расмларга қаранг).


Спектрофотомерттик аниқлашда маълум тўлқин узунликларга эга бўлган (тахминан монохроматик) нурдан фойдаланилиб, эритмада аналитик шакл тўла ҳосил бўлишини ва Бугер-Ламберт-Бер қонунидан четланмасликни ёки минимал четланишни таъминлайдиган оптимал шароитларда бажарилди.



3-расм. ГСК ва ГСК-Co(II) комплекси оптик зичлигининг ютишган нур тўлқин узунлигига боғлиқлиги.



4-расм. ГСК-Fe (III) комплекси оптик зичлигининг ютишган нур тўлқин узунлигига боғлиқлиги



5-расм. ГСК-Mn (II) комплекси оптик зичлигининг тўлқин узунлигига боғлиқлиги.

Танланган қулай шароитлар, ўрганилган металл ионларининг ҳар бири учун ўзига хос эканлиги аниқланди. Бунинг асосий сабаби реагент ва металл ионларининг табиатидир (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Оғир металл ионларининг ГСК га сорбцияланиши учун оптимал шароитлари $l=1\text{см}$, $n=5$

Система тури	C_{Me}	Эритма муҳити рН	C_R	$\Delta\lambda_{max}$, нм	металл ионини сорбцияланиш вақти, с	Сорбцияланган металл иони концентрацияси, C_{Me}	Сендел бўйича сезгирлиги мкг/см^2
Co-R	$2,0 \cdot 10^{-4}$	10,0	0,001 М, 3,0 мл	40	2,0	$5,0 \cdot 10^{-5}$	$5,7 \cdot 10^{-3}$
Ni-R	$2,0 \cdot 10^{-4}$	8,5	0,001 М, 2,0 мл	35	3,5	$4,5 \cdot 10^{-5}$	$3,6 \cdot 10^{-3}$
Fe-R	$6,0 \cdot 10^{-4}$	10,11	0,001 М, 2,0 мл	30	2	$1,0 \cdot 10^{-4}$	$2,8 \cdot 10^{-4}$
Mn-R	$8,0 \cdot 10^{-4}$	9,0	0,001 М, 3,0 мл	28	2,5	$1,5 \cdot 10^{-4}$	$2,3 \cdot 10^{-3}$
Cu-R	$2,0 \cdot 10^{-4}$	9,0	0,001 М, 3,0 мл	25	1,0	$4,5 \cdot 10^{-5}$	$4,3 \cdot 10^{-4}$
Ag-R	$2,0 \cdot 10^{-4}$	10,4	0,001 М, 3,0 мл	40	2,0	$0,9 \cdot 10^{-4}$	$5,2 \cdot 10^{-3}$

Тадқиқот натижалари кўрсатишича, фотометрик реакциялар кобальт, темир (III), марганец (II), кумуш ионлари билан олиб борилганда юкори контрастликка эга эканлиги аниқланди. Оғир металл ионлари экотоксикантлар ичида энг ҳавфлиси бўлиб, ичимлик суви, тупроқ ва ўсимликларда тўпланади.

Ишлаб чиқилган сорбцион-спектроскопик усуллар асосида ГСК реагенти билан реал объектларда, жумладан, сув, қотишмалар ва ишлаб чиқариш саноати оқаваларида оғир металллар миқдорини аниқлаш ва ажратиб олишда қайси бегона ионлар ҳалақит беришини аниқлаш мақсадида металл ионлари билан кўп компонентли мураккаб модел аралашмалар таркиби ГСК ёрдамида таҳлил қилинди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Мураккаб модел аралашмалар таркибидан ГСК ёрдамида баъзи оғир металл ионларини сорбцион –спектрофотометрик аниқлаш (P=0,95; n=5)

т/р	Кирилди Ме, мкг	Аралашманинг таркиби, мкг (Со:Ме)	Топилди Ме, мкг ($\bar{X} \mp \Delta X$)	S	S _r
1.	Co (10,0)	Cu(1:1,5)+NH ₄ (1:1000)+Pb(1:5000)+Fe(1:0,5)	10,01 \mp 0,35	0,01	0,03
2.	Cu (1,0)	Pb(1:1000) + Zn (1:1,5) + Fe (1:2,5) + Cd(1:0,5) + Co (1:1,5)	0,94 \mp 0,09	0,08	0,08
3.	Ag (2,0)	NH ₄ (1:1000) + Cd(1:0,5) + Cu(1:0,1)	2,04 \mp 0,21	0,19	0,10
4.	Mn (1,0)	Co (1:0,5) + Cd(1:1,5) + Fe (1:1,0)	1,04 \mp 0,12	0,11	0,11

Ишлаб чиқилган усуллар ёрдамида олинган натижаларнинг аниқлиги ва қайта тикланувчанлиги, табиий сувлар намуналарида қўшимчалар қўшиш усули билан, Давлат стандарти талабларидаги ДСТ стандарт сувларнинг намуналарига таққослаб текшириб, тасдиқланди (3-жадвалга қаранг).

Табиий сувларнинг стандартлари бўйича намуналарни ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Аналитик назоратнинг ихтисослашган давлат инспекцияси (ГосСИАК-АНИДИ) томонидан ишлаб чиқилган ва “Ўзстандарт” агентлигида тасдиқланган усулларда олинган натижалар билан таққосланди.

3-жадвал


Ишлаб чиқилган усул билан оғир металл ионларини сув намуналаридан аниқлаш ва стандарт паспорти бўйича таққослаш

Сув намунаси	Металл иони	реагент	Топилди, мг/дм ³ (x \pm Δ x)	s _r	UzDSt 950:2000 бўйича металлларни миқдори, мг/дм ³
O`zO`U 0706:2016	Fe	ГСК	0,285 \pm 0,01	0,009	0,29
O`zO`U 414:2009	Cu		0,099 \pm 0,02	0,0669	0,11
ГОСТ 24481-80	Co		0,110 \pm 0,01	0,01	0,13
ГОСТ18963-73	Ni		0,101 \pm 0,01	0,027	0,11
ГОСТ18963-73	Pb		0,080 \pm 0,01	0,006	0,064


Олинган натижалар кўрсатишича, тажрибада ўрганилган сув намуналари таҳлилининг натижалари назорат усуллари натижаларига мос келади. Ишлаб чиқилган усулларда табиий физиологик фаол бирикманинг биосорбентлик хусусияти стандартдаги усулларга нисбатан мис (II) иони учун юқори танлаб таъсир этувчан эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг «Баъзи оғир ва рангли металл ионларининг тритерпенлар билан комплекслари» деб номланган учинчи бобида оғир ва рангли металл ионлар билан ГКнинг ҳосилалари ва уларнинг спектроскопик тавсифлари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари баён қилинган.

ГК баъзи оғир ва рангли металл ионлари билан сувда эрувчан тузлар ҳосил қилади, молекуладаги асосий кимёвий ўзгаришлар глицирризин кислотанинг агликон қисми тузилиши билан боғлиқ. ГК нинг шу каби хусусиятлари унинг моноаммонийли ва монокалийли тузларининг марганец (II), темир (II, III), кобальт, никел, мис (II) ва қумуш метали ионларига биосорбцион хусусиятини физик-кимёвий анализ усулларида тадқиқ қилишга имкон берди.




6-расм. ГКМАТ-Fe(III) комплекси эритмаси оптик зичлигининг ютилган нур тўлқин узунлигига боғлиқлиги $\lambda_{max}=440$ нм.



7-расм. ГКМАТ-Ni²⁺ комплекси эритмаси оптик зичлигининг ютилган нур тўлқин узунлигига боғлиқлиги $\lambda_{max}=480$ нм

ГКнинг рангли ва оғир металл ионлари билан маълум шароитларда характерли рангга эга бўлган комплекс бирикмалар ҳосил қилиши таркибидаги ФФГ ва аналитик фаол гуруҳ (АФГ) лар мавжудлигидандир. Табиий бирикмаларнинг биосорбцион хоссаларини ўрганишда металл ионларининг комплекс ҳосил қилиши учун ФФБ ҳисобланган ГК, ГКМАТ ва ГКМКТ дан фойдаланилди. Дастлаб, металл ионларини реагентлар билан спектрофотометрик аниқлашнинг оптимал шароити танланди. Бунинг учун дастлаб, металл ионларининг реагент билан комплексининг энг юқори нур ютиш соҳаси аниқланди (6-,7-расмлар).



8-расм. ГКМАТ - Fe(III) комплекси эритмаси оптик зичлигининг эритма муҳитига боғлиқлиги (pH=5,0)

Тадқиқотлар давомида аниқланган оптимал шароити асосида эритмада ҳосил бўлган ГКМАТ-Ме комплексининг таркиби, барқарорлиги, таҳлилнинг аниқлиги ва сезгирлиги, реагентнинг тузилиши ва миқдорига, эритма рНи ва компонентлар тартиби ҳамда концентрациясига боғлиқ эканлиги аниқланди. ГКМАТ ёрдамида бошқа металл ионларидан фарқли равишда темир (III) иони учун оптимал рН=5,0 га тенглиги аниқланди.

ГКМАТ реагенти универсал буфер эритмаси иштирокида Fe^{3+} иони учун аниқланган оптимал шароитда танловчан реагент деб топилди (8-расмга қаранг).. Ишлаб чиқилган усулни табиий объектларга қўллаш мумкинлигини аниқлаш учун модел аралашмалар тайёрланиб, унинг таркибидан темир ионлари миқдорини аниқлашда усулининг тўғрилиги ва такрорланувчанлиги “киритилди-топилди” усули билан текширилди (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Модел эритмаларда металл ионларини ГКМАТ билан сорбцион – фотометрик аниқлаш (n=5, P=0,95)

Металл иони	Кирилган металл иони, мг/л	Топилган металл иони, \bar{X} мг/л	s	s_r
Fe^{3+}	5,00	4,95	0,1089	0,022
Ni^{2+}	5,00	4,96	0,183	0,018
Co^{2+}	2,0	2,05	0,046	0,022
Cu^{2+}	5,00	5,06	0,0827	0,0164
Ag		5,09	0,083	0,016

Шунингдек, спектрофотометрик усулда олинган натижаларнинг тўғрилиги ва аниқлигини замонавий индуктив боғланган аргон плазмали атом-эмиссион спектроскопия (АЭС) усули билан ўрганилганда тадқиқот натижалари мос келиши кузатилди. Ишлаб чиқилган усуллар ёрдамида олинган натижалар ишончлилиги индуктив боғланган АЭС усулиди текшириб кўрилди ва белгиланган оптимал шароитларда ГКМАТ ва ГКМКТ тузлари темир, кобальт, никел каби металл ионлари билан ишқорий муҳитларда эрувчан комплекс туз ҳосил қилади.

5-жадвал

Ишлаб чиқилган усул билан оғир металл ионларини сув намуналаридан аниқлаш ва стандарт бўйича таққослаш

Сув намунасини таҳлил қилишнинг UzDSt усуллари	Металл иони	реагент	Топилди, мг/дм ³ ($x \pm \Delta x$)	s_r	UzDSt 950:2000 бўйича металлларни миқдори, мг/дм ³
O`zO`U 414:2009	Cu	ГКМАТ	0,105±0,01	0,027	0,11
O`zO`U 0495:2010	Co		0,120±0,01	0,010	0,13
O`zO`U 0495:2010	Ni		0,100±0,01	0,027	0,11
O`zO`U 0495:2010	Pb	ГКМКТ	0,288±0,02	0,023	0,30
O`zO`U 0706:2016	Fe		0,197±0,01	0,006	0,2

Сорбцион-фотометрик усулда аниқланган оптимал шароитларга асосланиб, ГКМАТ ва ГКМКТ реагентлари ёрдамида табиий объектлар, яъни табиий сувлар, ичимлик суви, чиқинди ва оқава сувлар намуналарида қўшимчалар қўшиш усули билан ДСТ намуналарини ўрганиб, таққослаб таҳлил қилинди ва тасдиқланди (5-жадвалга қаранг).

Табиий сувларнинг стандарт намуналари Ўзбекистон Республикаси Аналитик назоратнинг ихтисослашган давлат инспекцияси (ГосСИАК-АНИДИ) томонидан ишлаб чиқилган ва “Ўзстандарт” агентлигида тасдиқланган усуллар бўлиб, ишлаб чиқилган усул ушбу стандартларга қўлланилди. Олинган натижалар кўрсатишича, тажрибада ўрганилган сувлар намуналари таҳлил натижалари назорат усуллари натижалари билан яқин ва бир-бирига мос келади (6-жадвалга қаранг).

6-жадвал

**ГКМАТ ёрдамида сув намуналаридан металл ионларини аниқлаш
(100 см³, P=0,95, n=5)**

Металл ионлари	Сув намуналари	Кирилди, мкг	Топилди, мкг	s _r	Назорат усулда топилди, мкг
Fe ³⁺	Ичимлик	-	0,090± 0,01	0,054	0,1
		2,00	2,05±0,10	0,04	
Cu ²⁺		-	0,95 ± 0,01	0,09	1,00
		2,00	2,78 ± 0,02	0,02	
Fe ³⁺	Чиқинди (ишлаб чиқариш корхонаси)	-	3,09 ± 0,09	0,05	2,90
		3,00	5,92 ± 0,07	0,05	
Cu ²⁺		-	2,74± 0,02	0,08	2,60
		2,00	4,62± 0,06	0,08	
Fe ³⁺	Оқава (зовур сувлари)	-	2,66 ± 0,17	0,05	2,30
		3,00	5,71± 0,20	0,11	
Cu ²⁺		-	1,21 ± 0,04	0,02	1,14
		2,00	3,12± 0,21	0,14	
Fe ³⁺	Дарё суви (Сирдарё)	-	0,15± 0,02	0,06	0,16
		2,00	2,12±0,01	0,01	
Cu ²⁺		-	1,45 ± 0,02	0,09	1,20
		2,00	3,38 ± 0,02	0,02	
Fe ³⁺	Дўстлик канали	-	0,20± 0,02	0,04	0,19
		2,00	2,12±0,01	0,01	
Cu ²⁺		-	2,45 ± 0,02	0,12	2,20
		2,00	4,35 ± 0,02	0,02	

Оғир металллар таҳлили учун қўлланилган физиологик фаол бирикмалардан ГКМАТ (Cu, Co, Ni) ва ГКМКТ (Pb, Fe) ёрдамидаги ишлаб чиқилган усулларда табиий физиологик фаол бирикмалар реагент сифатида қўлланилганлиги, юқори танлаб таъсир этувчанлиги ва қайта такрорланувчанлиги билан мавжуд усулларга нисбатан бир қанча афзалликларга эга эканлиги ишлаб чиқилган усулнинг амалий ахамиятини асослайди.

Табиий ва ичимлик сувлари ҳамда саноат чиқиндиларини тахлил қилиш учун таклиф этилаётган усуллар UzDSt усуллари билан таққослаб текширилганлиги учун метрологик асосланганлиги қайд этилди.


«Металларни аниқлаш ва ажратишда микроорганизм ва сув ўтларидан фойдаланиш» деб номланган диссертациянинг тўртинчи бобида Сув ўтлари ва микроорганизмларнинг биосорбцион хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда Оғир металлар ва уларнинг концентрациясини аниқлаш ёки ажратишда микроорганизмлар биомассасларидан ҳам фойдаланиш асосида тадқиқот натижалари баён этилади.

Ушбу олиб борилган тадқиқотлар давомида Олмалик тоғ-кон заводи чиқити ҳамда сизот сувлари таркибида оғир металларни аниқлаш ва концентрациясини камайтириш мақсадида *Saccharomyces cerevisiae* ачитқиси ва *Spirulina subsalsa* микросувўти биомассасидан фойдаланилган.

Тадқиқотлар давомида аввал саноат чиқити ва сизот сувлари таркибида оғир металларнинг мавжудлик ҳолатини атом-адсорбцион хроматография ёрдамида намуналар таркибини, сўнгра тайёрланган *Saccharomyces cerevisiae* ва *Spirulina subsalsa* биомассаси ҳамда пиво тайёрлашда қўлланиладиган куруқ ачитқидан тайёрланган биосорбентларни чиқит экстракти ва сизот сув муҳитида маълум вақт давомида ушлаб тургандан сўнг, ушбу биомасса таркибидаги оғир металлар мавжудлиги ва миқдори аниқланди.

Тадқиқотда фойдаланилган *Saccharomyces cerevisiae* ачитқи мембранасининг тузилиши ИҚ- ва масспектроскопия усуллари ёрдамида ўрганилганда целлюлоза ва D-глюкозанининг молекуляр тузилишига ўхшашлиги ва ўзаро α -1,4- ва β 1,6-боғлар орқали боғланган глюкоза қолдиқларидан ташкил топганлиги аниқланди.

Saccharomyces cerevisiae ҳужайра мембранасининг сорбцион хоссалари Cu(II), Zn(II), Ni(II) ионлари билан ҳосил қилган комплексларига кўра аниқланди. Бунда 24 соатдан сўнг 25-30⁰С ҳарорат оралиғида оғир металлар миқдори *Saccharomyces cerevisiae* биомассасидан фойдаланилганда хитин глюканли муҳитдагига нисбатан камайди (9-расмга қаранг).



9-расм. Биосорбентлар қўлланиши натижасига кўра муҳитдаги қолдиқ металл ионлари миқдори мг/дм³

Эритмадаги ўрганилаётган ионларнинг дастлабки концентрациясини, рН, биосорбент концентрациясини биосорбцион концентрлаш жараёнининг боришига таъсири аниқланди. Сорбент дозасини текширилаётган ионлар сорбциясининг самарадорлигига таъсирини аниқлаш шуни кўрсатдики, Cu(II) ионларининг биосорбцияси учун биомассанинг оптимал концентрация 1,0 г/л, Zn(II) - 2,9 г/л ва Ni(II) ~ 4,3 г/л, Ni⁺² – 2,4 г/л ни ташкил қилди. Бу металлларнинг ўрганилаётган ионлари учун асосий сорбцияси турли фаол функционал гуруҳлари ёрдамида амалга оширилди, бунда сорбент концентрацияси ортиб борса ўзаро муаносиблик кўрсаткичи ҳам ортиб бориши мумкин эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ачитқи хужайраси мембранаси *S. cerevisia*га Zn⁺², Ni⁺² ва Cu⁺² ионларини биосорбциясини амалга ошириш учун рНнинг оптимал қиймати рН 4,5 – 5,5 га тенг бўлганда ҳисобланди. Металл ионларнинг биосорбцияси рН (5,5-6,0) соҳада борди, бунда ионларнинг максимал сорбцион сифимининг қийматлари куруқ сорбентга нисбатан 177,5 мг/гни ташкил қилди, бунда фенол биосорбцияси (фенол тартиқбли полютантлар) кислотали шароитда боради. Буни адсорбирланаётган моддани эритмадаги шакли билан тушунтириш мумкин. Масалан, фенолнинг кислоталик хоссаси унинг диссоциацияси билан аниқланади:

Сувли эритмалардан Ni(II), Zn(II) ва Cu(II) ачитқи хужайраси деворига адсорбцияси механизмини тавсифлаш учун ва унинг термодинамик параметрларини аниқлаш оғир металлларни аналитик аниқлашда жуда муҳим ҳисобланади. Биосорбция термодинамикаси қуйидаги параметрлар билан ифодаланади: ΔG^0 – Гиббс энергияси, ΔH^0 – жараён энтальпияси ва ΔS^0 – жараён энтропияси. Гиббс эркин энергияси металл ионларининг сорбент ва эритма K_D фазаси орасида тақсимланиш коэффициентига боғланган (7-жадвалга қаранг).

7- жадвал

Ni(II), Cd(II) ва Cu(II) ионларининг *Saccharomyces cerevisia* ачитқи хужайра деворларига биосорбцияси термодинамик параметрлари

Металл иони	T(K)	KD	ln K _D	ΔG^0 (кЖ/моль)	ΔH^0 (кЖ/моль)	ΔS^0 (Ж/моль К)
Ni(II)	301	2,33	0,798	-1,958	18,65	77,8
	314	2,61	0,895	-2,263		
	322	2,72	0,949	-2,502		
Zn(II)	304	1,43	0,301	-0,749	20,51	81,7
	311	1,73	0,488	-1,236		
	317	1,87	0,575	-1,505		
Cu (II)	303	1,17	0,98	-0,244	21,54	79,8
	308	1,45	0,311	-0,799		
	321	1,58	0,398	-1,870		

Ҳароратнинг ортиши биосорбция жараёнининг ўз-ўзича содир бўлишини ва адсорбциянинг кучайишини билдиради. Буни эркин энергиянинг (ΔG^0) манфий қийматидан ҳам билиш мумкин. Энтальпиянинг мусбат қиймати биосорбциянинг эндотермик жараён эканлигини ва энтропиянинг мусбат қиймати эса, оғир металл ионларини биосорбент юзасида тасодифий тақсимланиш эҳтимоллиги юқорилигини кўрсатади.

Оғир металл ионларининг биосорбциясини реал шароитларга максимал даражада яқинлаштириш мақсадида, яъни оқава сувларда кўп ионлар иштирокида, Ni(II), Zn(II) ва Cu(II) ионларининг сорбцияси мульти-ион системаларда аниқланди. Тажриба ўтказиш техникаси юқорида келтирилган методикага ўхшаш. Мульти-ионли аралашмалар дастлабки эритмаларни аралаштирилиб тайёрланди ва бунда ҳар бир оғир металл ионининг концентрацияси 1 ммоль/л га тенг қилиб олинди.

8-жадвал

Ni(II), Zn(II) ва Cu(II) ионларининг индивидуал ва мульти-ион системаларида *Saccharomyces cerevisia* ачитқи ҳужайра мембранасига сорбцияси сиғими


Оғир металл иони	Максимал сорбцион сиғим Q_{\max}		Металл ионларининг би ва учталиқ системалардаги умумий сорбцион сиғими, ммоль/г
	мг/г	ммоль/г	
Индивидуал металл ионлари системаси			
Ni ⁺²	121,31	0,533	
Zn ⁺²	29,88	0,298	
Cu ⁺²	23,14	0,398	
Иккита металл ионли система			
Ni ⁺² + Zn ⁺²			0,591
Ni ⁺²	99,41	0,501	
Zn ⁺²	7,13	0,8	
Ni ⁺² + Cu ⁺²			0,628
Ni ⁺²	88,77	0,389	
Cu ⁺²	9,67	0,15	
Ni ⁺² + Cu ⁺²			0,422
Zn ⁺²	18,54	0,13	
Cu ⁺²	13,75	0,22	
Учта металл ионли система			
Ni ⁺² + Zn ⁺² + Cu ⁺²			0,603
Ni ⁺²	54,71	0,291	
Zn ⁺²	8,11	0,11	
Cu ⁺²	9,18	0,21	

Ачитқи ҳужайраси мембранаси биосорбцион сиғимини оғир металллар ионларининг мувозанат концентрацияларига боғлиқлиги классик сорбция

